

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУМАНИЯЗОВ ЗОКИР БАЗАРБАЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА МЕХАНИК МУСТАҲКАМ,
КИМЁВИЙ ТУРҒУН КЕРАМИК ЙЎЛАК ТОШ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Джуманиязов Зокир Базарбаевич

Маҳаллий хом ашёлар асосида механик мустаҳкам,

кимёвий турғун керамик йўлак тош олиш технологияси.....3

Джуманиязов Зокир Базарбаевич

Технология получения механически прочной,

химически устойчивой керамической брусчатки

на основе местного сырья.....21

Djumaniyazov Zokir Bazarbayevich

The technology of obtaining mechanically strong,

chemically resistant ceramic paving stones

based on local raw materials.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУМАНИЯЗОВ ЗОКИР БАЗАРБАЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА МЕХАНИК МУСТАҲКАМ,
КИМЁВИЙ ТУРҒУН КЕРАМИК ЙЎЛАК ТОШ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T435 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tkti.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бабаев Забибулла Камилевич
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Бабаханова Зебо Абдуллаевна
техника фанлари доктори (DSc)

Шерназарова Махфуза Тургунбаевна
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» 08 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (41 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил «20» 07 куни тарқатилган.
(2021 йил «20» 07 даги № 25 рақамли реестр баённомаси).



С.М. Турабджанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Кадиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д. (DSc)

М.Х. Арипова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинарга
раислик қилувчи, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда қурилиш соҳасида замонавий бино ва иншоотларнинг атроф йўлакларини ташқи таъсирларга чидамлилиги ва декоратив хусусиятини яхшилашда керамик йўлак тошлардан фойдаланиш йилдан йилга ошмоқда. Шу билан бирга шўрланишга мойиллиги юқори бўлган ҳудудларда, тузли эритмалар таъсирида емирилиб муддатидан аввал яроқсиз ҳолга келишни олдини олувчи, минерал ва техноген хомашёлардан ташкил топган композициялар асосида керамик йўлак тошлар олиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда шўрланиш ва намлиги юқори бўлган ҳудудлар учун керамик йўлак тошлар ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари ва бошқа турдош тармоқларни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, керамик массани пишириш жараёнини такомиллаштириш, масса таркибига модифицирловчи қўшимчаларни қўшиш, янги тур кристалл тузилишли моддалар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва хоссаларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда кимё ва қурилиш материаллари саноати корхоналари модернизация қилиниб, замонавий қурилиш материалларининг рақобатбардош турларини кенгайтириш, хомашёларнинг маҳаллий заҳираларини яратиш, улар асосида импорт ўрнини босувчи, механик мустаҳкамлиги юқори, кимёвий турғун керамик қурилиш материаллар янги таркибларини яратиш ва ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада Қурбонов кони лёссимон жинслари, шиша чиқиндиси қуқунларидан, механик мустаҳкамлиги юқори, сув ютувчанлиги кам, кимёвий турғун керамик йўлак тошлар таркиби ва ишлаб чиқариш технологияларини яратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон «Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

бўлган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII-«Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ташқи таъсирларга чидамли ва декоратив хусусиятларини яхшилашда керамик материалларни ишлаб чиқаришни ривожланишига оид R. Socolar, S. Gerl, N. Napke, K. Nikolson, E. Sundermena, K. Engeltamera, В.Д. Котляр, Б.К. Кара-Сал, Л.Л. Масленникова, А.Ю. Столбоушкин, Н.Г. Чумаченко, Н.Д. Яценко, П.П. Будников, В.Н. Бурмистров, А.Е. Бурученко, В.И. Верещагин, Н.А. Сирождидинов, А.А. Исматов, М.Х. Арипова, М.Ю. Юнусов, А.А. Эминов, Ф.А. Мингулова, З.Р. Кадырова, М.Т. Шерназарова, И.У. Касимов, М.Қ. Тохиров, А.И. Одилхўжаев, Н.А. Самигов, Х.А. Ақромов, С.А. Ходжаев, М.М. Мирахмедов, Б.Б. Хасанов, Р.Д. Тешабаев, У.Р. Жаббаров, Н.Х. Талипов, А.А. Ашрабов, Б.А. Асқаров, А.А. Султонов, У.А. Газиёв, Л.М. Ботвина, З.К. Бабаёв, Т.Н. Яқубов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Улар томонидан керамик массани пишириш жараёнини жадаллаштириш, янги тур кристалл тузилишли керамик моддалар таркибларини ишлаб чиқиш, механик мустаҳкамлиги юқори керамик материал олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, шўрланиш ва намлиги юқори ҳудудлар учун, лёссимон жинслар ва шиша чиқиндилари асосида ярим қуруқ усулда пресслаб тақчил бўлмаган маҳаллий хомашёлар асосида юқори физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган керамик йўлак тошлар ишлаб чиқариш технологияларини яратишга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-2016-7-11 «Маҳаллий хом ашёлар асосида механик мустаҳкамлиги юқори, шўрга чидамли ва арзон керамик ғишт олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш» (2016-2017 йй.) ва №ОТ-А12-07 «Шўрланиш таъсирига чидамли бўлган керамик ғишт олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш» (2017 - 2018 йй.) мавзусидаги инновацион ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий тақчил бўлмаган хомашёлар ва чиқиндилар - Қурбонов кони лёссимон жинслари ва шиша чиқиндилари асосида кимёвий турғун, механик мустаҳкам керамик йўлак тоши олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хоразм вилояти Қурбонов кони лёссимон жинсларини кимёвий, рентгенфаза, микроскопик, дифференциал термик ва ИҚ-спектроскопик таҳлилларини ўтказиш;

керамик йўлак тоши олишда лёссимон жинслар асосидаги массани шиша чиқиндилари ёрдамида модификациялашнинг асосий технологик параметрларини ишлаб чиқиш;

керамик йўлак тоши структураси ҳосил бўлишига масса таркиби, хом ашёларга ишлов бериш усуллари ва пресслаш босимининг таъсирини асослаш ва мақбул параметрларни танлаш;

шўрланиш ва намлик юқори бўлган муҳитларга чидамли бўлган керамик йўлак тошининг таркибини ишлаб чиқиш, намуналар олиш, уларнинг физик-кимёвий ва механик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

маҳаллий хомашёлар асосида механик мустаҳкам, кимёвий турғун керамик йўлак тош олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм вилояти Қурбонов кони лёссимон жинслари, шиша чиқиндилари, улар асосидаги омехталар, тажриба намуналари ва ишлаб чиқариш шароитида олинган керамик йўлак тоши олинган.

Тадқиқотнинг предмети лёссимон жинсларни кимёвий - минералогик ва гранулометрик таркиблари, кимёвий турғун керамик йўлак тоши олиш технологияси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида кимёвий, рентгенфаза, ИҚ-спектроскопик, дифференциал термик, электрон микроскопик таҳлил усулларидан фойдаланилган. Шунингдек, олинган керамик йўлак тошларининг физик-кимёвий ва механик хоссаларини аниқлашда анаънавий услублардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилояти Қурбонов кони лёссимон жинсларини кимёвий ва минералогик таркиби кварц (SiO_2), кальцит (CaCO_3), гидрослюда ($\text{K}_{<1}\text{Al}_2[\text{OH}]_2(\text{AlSi}_3\text{O}_{10})\cdot n\text{H}_2\text{O}$), альбит ($\text{Na}_2\text{O}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot 6\text{SiO}_2$), каолинит ($\text{Al}_2[\text{OH}]_4(\text{Si}_2\text{O}_5)$), гематит (Fe_2O_3), монтмориллонит ($\text{Al}_2[\text{OH}]_2(\text{Si}_4\text{O}_{10})\cdot m\text{H}_2\text{O}$) дан иборатлиги аниқланган;

лёссимон жинслар ва шиша чиқиндиси киритилган массалар асосида кимёвий турғун, механик мустаҳкам керамик йўлак тоши олиш исботланган;

хомашёларнинг майдалик даражаси, модификацияловчи қўшимчалар миқдори ва пресслаш босимини керамик йўлак тошининг структураси шаклланишига таъсири асосланган;

керамик масса таркибига юқори ҳароратларда боғловчилик ва пишириш ҳароратини пасайтирувчи қўшимчани қўшиш билан сополакда анортит, диопсид ва кварцларни ҳосил қилиш асосланган;

анортит, диопсид, кварц минералларини шакллантириш билан намлик, шўрланиш ва механик емирилиш таъсирини чидамли керамик сополак олинган;

Қурбонов кони лёссимон жинслари асосида механик мустаҳкам, кимёвий турғун керамик йўлак тош ишлаб чиқариш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қурбонов кони лёссимон жинсларининг кимёвий-минералогик ва гранулометрик таркиблари аниқланиб, керамик материаллар олинган;

лёссимон жинс-кўмир-шиша чиқиндиси тизимида керамик масса таркиблари яратилган ва керамик йўлак тоши ишлаб чиқаришнинг маъқбул шароитлари аниқланган;

керамик йўлак тоши ишлаб чиқаришнинг энергиятежамкор технологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги таҳлилда замонавий физик-кимёвий усуллар рентгенфазали, ИҚ-спектроскопик, оптик ва растр-электрон микроскопик, дифференциал термик таҳлиллардан фойдаланилганлиги, олинган натижалар силикат материаллар олиш параметрлари ва қонуниятларига, давлат андозалари талабларига мослиги ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти керамик материалнинг физик-кимёвий хоссаларини синтез шароитлари, таркиб ва структура билан боғлиқлиги, хомашёларни механик фаоллаштириш усули ёрдамида кристал фазалар шаклланишни жадаллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қурбонов кони лёссимон жинслари асосида юқори физик-техник хусусиятли, хизмат қилиш муддати узоқ, эстетик чиройли, кимёвий турғун, арзон ва экологик тоза, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош керамик йўлак тоши таркиби ва энергиятежамкор технологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашёлар асосида механик мустаҳкам, кимёвий турғун керамик йўлак тош олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

асоси лёссимон жинс ва шиша чиқиндиси кукуни бўлган керамик масса олиш технологияси «Yuggazbutlash» АЖ ва «Жайхун» ХФда амалиётга жорий қилинган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2021 йил 14 январдаги 05/15-116-сон маълумотномаси). Натижада, лёссимон жинслар ва техноген чиқиндилар асосида осон суюқланувчан керамик масса ишлаб чиқариш имконини берган;

керамик йўлак тош олиш технологияси «Yuggazbutlash» АЖ ва «Жайхун» ХФда амалиётга жорий қилинган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2021 йил 14 январдаги 05/15-116-сон маълумотномаси). Натижада, импорт ўрнини босувчи, механик мустаҳкам, кимёвий турғун, таннархи 12,6 % га арзонлашган керамик йўлак тош олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 7 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 2 та, 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот иши натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Минерал ва техноген хомашёлардан шўрланишга чидамли материаллар олишда фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида мавзуга доир илмий тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётларда келтирилган маълумотлар умумлаштирилган ва илмий таҳлил қилинган. Шўрланган ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдаги муаммолар ҳамда уларни ташқи таъсирлар ҳисобига емирилиши тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган. Эълон қилинган ишларни танқидий таҳлил қилиш натижасида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот усуллари ва дастлабки хомашёлар тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларда қўлланилган усулларнинг баёни ва хомашёларни танлаш бўйича маълумотлар келтирилган. Хомашёлар ва олинган маҳсулотларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлашда замонавий таҳлил усулларида фойдаланилган. Керамик йўлак тошлар олиш учун маҳаллий хомашёлар - Хоразм вилояти Қурбонов кони лёссимон жинслари, шиша чиқиндилари ва умумий массага нисбатан 3 - 5 % Шарғун кони кўнғир кўмир кукуни танланган.

Диссертациянинг **«Маҳаллий лёссимон жинслар таркиби, физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва улар асосида керамик йўлак тоши олиш борасидаги тадқиқотлар»** деб номланган учинчи бобида Қурбонов кони лёссимон жинсларининг кимёвий-минералогик таркиби, физик-механик хоссалари, механик фаоллаштириш, турли босимларда пресслаш ва олинган намуналарни пишириш борасидаги тадқиқотлар, лёссимон жинс ва шиша чиқиндилари асосида керамик йўлак тоши олишнинг таркибларини ишлаб чиқиш ва уларни турли шароитларда пишириш, керамик йўлак тоши сополакини тузли эритмалар таъсирига бардошлилигини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларининг натижалари келтирилган. Лёссимон жинслар кимёвий таркиби таҳлил этилганда, унинг нордон гилли, ранг берувчи, пластиклиги кам хом ашёлар гуруҳига мансублиги аниқланди (1-жадвал).

Тадқиқот натижасига кўра, унинг гранулометриқ таркиби қуйидагича: 0,063 - 0,01 мм ўлчамдаги заррачалар миқдори устувор (43,88 %) бўлиб, 0,01 -



0,001 мм ораликдаги заррачалар улуши - 35,19 %, 0,001 мм дан кичик заррачалар миқдори 19,34 %.

1-жадвал

**Қурбонов кони лёссимон жинсларининг кимёвий таҳлил натижалари
(рентгенофлюоресцент таҳлил)**

№	Оксидлар миқдори, масс. %:										
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	CaO	MgO	Fe ₂ O ₃	K ₂ O	Na ₂ O	P ₂ O ₅	SO ₃	TiO ₂	H ₂ O
1	52,27	15,76	15,04	5,73	4,44	2,31	2,12	0,61	0,59	0,58	0,55
2	52,59	15,64	15,09	5,69	4,33	2,29	2,08	0,59	0,57	0,56	0,57
3	52,02	15,59	15,32	5,81	4,47	2,33	2,08	0,62	0,54	0,59	0,63
4	52,60	15,27	15,31	5,71	4,39	2,31	2,11	0,60	0,54	0,58	0,58
5	52,31	14,56	15,14	5,83	4,45	2,41	2,02	0,51	0,49	0,48	1,80
6	52,39	13,74	15,29	5,79	4,43	2,39	2,18	0,49	0,47	0,46	2,37
7	52,42	14,39	15,12	5,71	4,37	2,23	2,05	0,52	0,52	0,51	2,16
8	53,10	14,57	15,11	5,61	4,49	2,41	2,14	0,30	0,55	0,52	1,20
9	52,69	13,54	15,39	5,69	4,33	2,33	2,28	0,47	0,37	0,56	2,35
10	52,72	14,49	15,22	5,51	4,47	2,43	2,07	0,50	0,42	0,53	1,64
Ўртача	52,51	14,75	15,20	5,70	4,41	2,34	2,11	0,52	0,50	0,53	1,43

Хомашёнинг фаза таркиби рентгенфазали усули билан таҳлил этилганда, унда кварц (SiO₂) (d/n=0,166; 0,169; 0,228; 0,270; 0,334; 0,424 нм), кальцит (CaCO₃) (d/n=0,160; 0,162; 0,191; 0,208; 0,249 нм), гидрослюда (K₁Al₂[OH]₂(AlSi₃O₁₀)·nH₂O) (d/n=0,148; 0,408; 0,670 нм), альбит (Na₂O·Al₂O₃·6SiO₂) (0,166; 0,174; 0,182; 0,201; 0,355), каолинит (Al₂[OH]₄(Si₂O₅)) (d/n=0,154; 0,159; 0,162; 0,178; 0,233; 0,385; 0,717 нм), гематит (Fe₂O₃) (d/n=0,148; 0,160; 0,220; 0,298 нм), монтмориллонит (Al₂[OH]₂(Si₄O₁₀)·mH₂O) (d/n=0,169; 0,187; 0,240; 0,303; 0,450; 1,150 нм) каби минералларнинг мавжудлиги аниқланди (1- а расм).




1-расм. Қурбонов кони лёссимон жинсларининг рентгенограммаси (а) ва электрон-микроскопик таҳлили (б) тасвири

Q-кварц, K-каолинит, G-гидрослюда, A- альбит, C-кальцит, F-гематит, M-монтмориллонит

Хомашёнинг электрон-микроскопик таҳлиliga оид ўтказилган тадқиқот натижаларида (1-б расм) акс этган изометрик, паға-паға кўринишидаги заррачалар монтмориллонит минералига, олтибурчакли, ёнлари синган, овал кўринишидаги заррачалар кварц минералига, қора доғлар кўринишидаги заррачалар гематитга мансублиги аниқланди.


Лёссимон жинсларнинг дифференциал-термик таҳлили, унда бир қатор эндо- ва экзоэффектларнинг мавжудлигини кўрсатди (2-расм). Бунда, 69 - 121,4 °С ҳарорат оралиғидаги эндотермик эффект намуна таркибидаги гигроскопик намликнинг буғланишига тўғри келади, 390 - 420 °С ҳарорат интервалидаги экзотермик эффект эса намуна таркибидаги органик бирикмаларнинг ёниши натижасида пайдо бўлган. Термик эгри чизикда 575,6 °С ҳароратда пайдо бўлган кичик эндотермик эффект намуна таркибидаги кварц минералининг модификацион ўтишлари, 726,2 °С ҳароратдаги эндотермик эффект кристаллизацион сувнинг буғланиши билан боғлиқ, 850-880 °С ҳароратларда ҳосил бўлган эндотермик эффект эса кальций карбонат тузининг парчаланишига тўғри келади, 896,5, 910 ва 950 °С ҳароратлар экзотермик эффектрлар янги кристалл структурали кристалл фазалар ҳосил бўлиши билан изоҳланади. Намуналарнинг технологик хоссалари куйидагича: ўтга чидамлилиги – 1150 °С; Аттерберг бўйича пластиклик сони - 7,0; қуритишга сезгирлик коэффиценти - 180 с; сиқилишда механик мустаҳкамлик чегараси - 2,30 МПа; ўртача зичлиги - 1475 кг/м³.



2-расм. Қурбонов кони лёссимон жинсларининг дериватограммаси

Ўрганилаётган кон лёссимон жинсларидан ИҚ-спектр нурларининг ўтиши типик силикатларга тегишли тўлқин ютилишларини кўрсатди (3-расм). ИҚ спектрдаги 465,33 см⁻¹ ва 704,99 см⁻¹ тўлқин оралиқларида Са-О ва Mg-О боғларининг тебранишлари мавжудлигини кўрсатади. 500 - 700 см⁻¹ ва 900 - 1200 см⁻¹ тўлқин узунликлари Si-O-Si(Al) боғланишли бирикма юқори частотали антисимметрик валент тўлқин тебранишларига сабаб бўлган, деформацион тебранишлардаги 645 см⁻¹ ва 785 см⁻¹ тўлқин узунликлари O-Si(Al)-O боғланишга мос келади. 880 ва 1026 см⁻¹ антисимметрик валент тебранишлардаги ушбу тўлқин узунликлари Si-O-Si гуруҳига тегишли. Ўрта частотали антисимметрик валент тебранишлардаги 500 - 550 см⁻¹ тўлқин узунликлари Si-O гуруҳларига мос келади. 1300 - 1600 см⁻¹ тўлқин узунликларидаги C-O валент ва 715 см⁻¹ тўлқин узунликларидаги деформацион тебранишлар кальцит минералига хос бўлган боғланишларни характерлайди. 3200 - 3600 см⁻¹ тўлқин узунликларидаги тебранишлар ОН гуруҳига тааллуқли бўлиб, 3500 - 3600 см⁻¹ тўлқин узунликларидаги тебранишлар монтмориллонит

ва гидрослюда минералларига тааллуқли бўлган кимёвий боғланган сувга хос бўлган боғланишни характерлайди.



3-расм. Қурбонов кони лёссимон жинсининг ИҚ-спектр таҳлили

Шиша чиқиндиси сифатида шиша идишлардан ва дераза шишаларидан ҳосил бўлаётган шиша чиқиндилари олинди. Унинг кимёвий таркиби 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Шиша чиқиндиларнинг кимёвий таркиби, %

Шиша тури	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	RO	R ₂ O	SO ₃	Cr ₂ O ₃
Шиша чиқиндилари	71,0	3,5	0,6	10,5	14,0	0,3	0,1
	70,6	5,0	0,8	9,1	14,1	0,4	-

Лёссимон жинслар асосидаги масса таркибига шиша кукунини қўшиш маҳсулот олиш жараёнида қуйидагиларга олиб келди: - киришишни камайтирувчи компонент сифатида - масса таркибига қўшилган шиша чиқиндиси кукуни паст ҳароратларда ярим маҳсулотни киришишини олдини олади. Бу эса ярим маҳсулот юзасида ортиқча ёриқлар, тешиқлар ва шишларни ҳосил бўлишини бартараф қилинишига ёрдам беради; - суюқлантирувчи сифатида 600 - 700 °С ҳароратларда шиша кукуни юмшай бошлади ва массада суюқ фазани ҳосил қилади. Ҳарорат ошган сайин унинг миқдори ошиб боради ва ўзида лёсс таркибидаги осон суюқланувчи компонентларни эритади. Натижада силикатлар ҳосил бўлиш босқичи вақт жиҳатидан анча олдин ва нисбатан паст ҳароратларда содир бўлади.

Шиша чиқиндиларининг йиғилиши ва ҳажмини таҳлили шиша идишлари чиқиндиларидан фойдаланишнинг мақбуллигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб биз тадқиқотларимизда шиша идишлари чиқиндиларидан фойдаланишни маъқул кўрдик. Шу ўринда аралаш турдаги шиша чиқиндиларидан фойдаланиш технологик жараёнда қийинчилик туғдирмаслигини қайд қилиб ўтиш лозим.

Кўмир кукуни Хоразм вилоятида аҳолини кўмир билан таъминлаш корхоналарида катта миқдорда чиқинди сифатида ҳосил бўлмоқда. Бу чиқиндини ҳозирда тўғридан тўғри фойдаланувчи корхона ёки тармоқ йўқ. Ундан фойдаланиш бир томондан экологик муҳитни яхшилаш билан чегараланмасдан, балки ундан керамик йўлак тоши олишда ёқилғи сифатида энергия берувчи манба, юқори ҳароратларда ноорганик моддалар орасида қайтарувчи вазифасини ўтайди. Олиб борилган тадқиқотлар асосида “Шарғункўмир” АЖ томонидан етказиб берилган кўнғир кўмирнинг кукун чиқиндисини техник тавсифи: таркибидаги олтингугурт миқдори 10,0 - 16,0 % гача, намлиги 8,0 - 12,0 % гача, исиклик бериш қобилияти 32000 - 33000 кДж, таркибидаги кул миқдори 10,0 - 15,0 %.

Кейинги тадқиқотларимизни лёссимон жинсларни механик фаоллаштиришни ўрганишга бағишладик. Хомашёни майдалаш жараёнида уларнинг таркибидаги минераллар тузилишида бузилиш содир бўлади ва кимёвий жиҳатдан қайта шаклланишлари кузатилади, бунда атомлараро боғларнинг узунлиги ва бурчаклари ўзгаради, структурада катта миқдорда нуқтали дефектлар, дислокациялар, панжараларни деформацияланиши кузатилади. Шу билан бирга бу жараёнда тузилишдаги фрагментлар орасидаги боғларнинг узилиши ва массанинг бир қисми рентгеноаморф ҳолатга ўтиши кузатилади.

Тажриба тадқиқотларимизда хомашёни майдалаш учун лаборатория шарли тегирмонидан фойдаландик. Майдалаш элементи сифатида уралит тошлари қўлланилди. Хомашё аралашмасини майдалаш жараёни 2 босқичда олиб борилди. Дастлаб шарли тегирмонга ўлчаб олинган лёссимон жинслар юкланди ва умумий майдалаш вақтининг тенг ярмига қадар майдалаш учун қўйилди. Кейинчалик шарли тегирмонга ўлчаб олинган шиша чиқиндиси кукуни юкланди ва биргаликда майдалаш жараёни олиб борилди. Рутковский томонидан таклиф қилинган услуб бўйича ҳар бир фракциянинг фоиз миқдорлари топилди. 3-жадвалда гилсимон, қумли ва чангсимон фракцияларнинг ўзаро нисбатларига майдалаш давомийлигининг таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.

3-жадвал

Хомашё омехтасининг гранулометриқ таркибини майдалаш давомийлигига боғлиқ ҳолда ўзгариши


Майдалаш давомийлиги, дақиқа	Гилсимон заррачалар (0,005 мм дан кичик), %	Чангсимон заррачалар (0,005-0,05 мм), %	Қумли заррачалар (0,05-1 мм), %	Солиштирма сирт юзаси, см ² /г
30	12,57	43,45	43,93	1620
60	13,58	58,24	28,18	1870
90	16,32	60,56	23,12	2200
120	20,01	61,12	18,87	2380

Юқорида келтирилган 3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, массани майдалаш даврини 120 дақиқага қадар олиб бориш гилсимон ва чангсимон заррачалар миқдорини ошишига олиб келди.

Лёссимон жинслар ва шиша чиқиндиси қуқунига майдалаш ҳисобига механик ишлов бериш гилсимон заррачалар миқдорини 63,7 %, чангсимон заррачалар миқдорини 28,25 % ошишига, қумсимон заррачаларни 58,7 % га камайишига олиб келди, дастлабки хомашёга нисбатан массанинг дисперслиги ошиши кузатилди.

Хомашё омиктасини 150 дақиқагача майдалаш унинг таркибида чангсимон заррачаларни миқдорини ошишига олиб келди, гилсимон заррачалар миқдори эса камайди. Шу билан бирга қумсимон фракциянинг миқдорининг ошиши кузатилди. Бу Ле-Шателье қонидасига мос келади, яъни адгезион кучлар ҳисобига заррачалар ўзаро бир-бирига ёпишади конгломерация ходисаси кузатилади.

Тадқиқотларимизда турли вақт давомида майдаланган намуналарнинг РФА таҳлили олиб борилди. Олинган натижалар 4-расмда келтирилган. Турли давомийликда майдаланган намуналарнинг РФ чизиқларини ўзаро таққослаш натижасида қуйидагиларни қайд қилинди: майдалаш вақтининг ошиб бориши ҳисобига материал рентгеноаморфлиги ошиб боради; материал композициясини майдалаш ҳисобига унинг заррачаларининг ўлчамлари кескин камайиши кузатилди.




4-расм. Механик фаоллантирилмаган (1), 90 дақиқа (2) ва 120 дақиқа (3) давомида фаоллантирилган массанинг дифрактограммаси

Олинган рентген фазали таҳлил натижаларига кўра рентген таҳлили чизиқларида майдалаш давомийлиги ошиб бориши билан монтморилланитга хос бўлган тўлқин дифракцион чўққиларнинг "силлиқланиб" кетиши кузатилди. Майдаланган ва майдаланмаган массаларни бир хил шароитда пишириб, олинган намуналарни визуал таҳлил қилиш майдаланган масса асосида олинган

намуналар пишиш даражаси юқори, сирт юзаси силлик, металл билан уриб чиртилганда чиққан товуш нисбатан жарангдор эканлигини кўрсатди.

Лёссимон жинслар ва шиша чиқиндиси кукуни асосидаги омехтани майдалаш даврини ошиб бориши (30 дан 120 дақиқага қадар) шакллантирилаётган массани таъсирлашиш юзаларини маълум даражада яхшиланишига олиб келади. Бунда ярим маҳсулотни сиқилишга нисбатан чидамлик чегараси ҳам ошиши кузатилади.

Олинган натижаларни тасдиғини амалда кўриш мақсадида 90 ва 120 дақиқа давомида майдаланган омехталарни 900-1000 °С оралиғида пиширилди. Олинган натижалар 5-расмда келтирилди.



◆ - сув یشувчанлик, %; ● - ўртача зичлик, г/см³; ▲ - сиқилишга мустаҳкамлик чегараси, МПа

5-расм. Қурбонов кони лёссимон жинслари (80 %) ва шиша чиқиндиси кукуни (20 %) асосида олинган омехтани турли давомийликда майдаланган массасини турли ҳароратларда пиширишдан кейинги кўрсаткичлари

а - 90 дақиқа давомида майдаланган масса;
 б - 120 дақиқа давомида майдаланган масса

Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичларида пресшлаш босимини турли миқдорларда қилиб шакллаб олинган намуналарни пишириш температурасини ўзгартирган ҳолда маҳсулотни физик-механик хоссаларини ўзгартириш мумкинлигини ўргандик. Хомашёлар солиштирма юзаси 3000 см²/г гача қилиб майдаланди, аралашма намлиги 10 % қилиб гомоген ҳолатга келтирилди. Пресшлаш жараёни 5 - 25 МПа оралиғида вариация қадами 5 қилиб намуналар тайёрланди. Намуналар ўлчами 50×50×50 мм, куб шаклида олиниб 120 °С ҳароратда қуритдик ва лаборатория муфель хумдоида 900, 950, 1000 °С ҳароратларда куйдирдик.


Максимал ҳароратда изотермик ушлаб туриш вақти 1 соатни ташкил қилди. Совутиш режими 500 °С гача тезлиги 2-3,5 °С/мин, вақти 8 соат. Тадқиқотларимиз давомида майдаланган хомашё омехтасини 8-10 % намлаб ярим қуруқ ҳолда қолиплаш усулини танладик. Дастлабки компонентларни майдалаш ҳар бирини алоҳида қилиб лаборатория шарли тегирмонига солиб ишлов бериш орқали амалга оширилди. Лёссимон жинслар ва шиша чиқиндиси омехтасини майдалаш 120 дақиқа. Лёссимон жинсларга шиша чиқиндиси кукуни 0 - 25 %гача қилиб қўшилиб масса тайёрланди (4-жадвал).

Тадқиқод ишини бажаришда қўлланилган тажриба таркиблари


Хомашё номи ва кўрсаткичлари	Тажриба таркиблари, №					
	1	2	3	4	5	6
Лёсс жинси	100	95	90	85	80	75
Шиша кукуни	-	5	10	15	20	25

Юқори ҳароратларда (950 ва 1000 °С) ва масса таркибида шиша чиқиндиси кукуни миқдори нисбатан кўп бўлганда (25 %) намуналарнинг ташқи шакли деформацияланиши кузатилди. Бундай ҳолда ҳосил бўлаётган шиша фаза мустаҳкам каркас ҳосил қилишга тўсқинлик қилмаслиги керак, шу билан бирга йирик ғовакларни тўлдириб керамика зарралари орасида боғловчи сифатида иштирок этиб материални физик-механик хусусиятларини яхшилайти. Тайёр маҳсулотни хусусиятларини белгиловчи, боғловчи сифатида иштирок қилувчи шиша фаза таркиби ва уни миқдорини танлаш катта аҳамият касб этади.

Шиша чиқиндиси кукунини 20 % миқдорда киритиш суяқ фазани боғловчи ролини бажариб қаттиқ зарралар қоплайди. Бундан ташқари шишасимон фаза ғовакликни пасайтириб зарралар оралиғидаги бўшлиқларни тўлдиради. Микроскопик таҳлилларга кўра (6 а-расм), масса таркибида призма, пластинка шакли тузилишга эга минераллар миқдори ошганлиги билан изоҳланади.



а



б

6-расм. Лёссимон жинслар (80 %) ва шиша чиқиндиси кукуни (20 %) асосида олинган намуналарнинг 950 °С да қуйдирилгандан кейинги электрон микроскопик (а) ва дифрактограмма (б) тасвири

Лёссимон жинслар ва шиша чиқиндиси кукуни асосида олинган намуналарнинг рентген таҳлилларини (6 б-расм) дастлабки намуна рентгенограммалари билан солиштирганда, термик ишлов бериш жараёнида янги анортит ($\text{CaO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{SiO}_2$) ($d/n = 0,168; 0,172; 0,175; 0,184; 0,187; 0,192; 0,201; 0,213; 0,234; 0,248; 0,266; 0,284; 0,294; 0,315; 0,334; 0,360; 0,377; 0,403$), диопсид ($\text{CaO} \cdot \text{MgO} \cdot 2\text{SiO}_2$) ($d/n = 0,168; 0,172; 0,175; 0,184; 0,201; 0,213; 0,234; 0,251; 0,257; 0,284; 0,294; 0,300$) ва кварц (SiO_2) ($d/n = 0,234; 0,334; 0,424$) фазалар ҳосил бўлганлигини кўрсатди.

Тажриба намуналарини физик-механик хоссаларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики (натижалар 5-жадвалда келтирилган), керамик массалар

таркибидаги шиша чиқиндиси кукунини миқдори ошиб бориши билан, унинг барча хоссалари ижобий томонга ўзгариши кузатилди. Шу билан бирга намуналарнинг зичлиги ортади ва ўтда киришиш кўрсаткичи камаяди. Материаллар хоссаларининг яхшиланиши масса таркибида кечадиган физик-кимёвий жараёнлар билан боғлиқ. Шунингдек, намуналар таркибида шиша кукуни миқдорининг ортиши ва ҳароратнинг кўтарилиши билан уларнинг модел кимёвий эритмаларга нисбатан чидамлилиги ортади.

Намуналарнинг кимёвий турғунлиги ўрганилиб, бунда асосий модел суюқлик сифатида Na_2SO_4 тузининг (ГОСТ 4166) 5 %ли эритмаси ва NaCl тузининг (ГОСТ 28234-89) 3 %ли эритмаларидан фойдаланилди. Олинган натижаларни ГОСТ 13996-2019 ва ГОСТ 27180-2019 давлат андозалари асосида таққослаш ҳисобига мақбул таркиб танланди.

5-жадвал

Тажриба намуналарининг физик-кимёвий хоссалари (пишириш ҳарорати 950 °С)

Кўрсаткичлар	Таркиблар, №					
	1	2	3	4	5	6
Сув ютувчанлиги, %	17,0	10,0	8,0	5,6	3,0	3,0
Ўртача зичлиги, кг/м ³	1800	1860	1900	1950	2150	2250
Сиқилишга нисбатан механик мустаҳкамлиги, Мпа	8,0-9,0	14,5	22,5	28,5	40,0	35,0
Эгилишга нисбатан механик мустаҳкамлиги, Мпа	1,3	2,1	2,18	2,25	2,30	2,20
Ишқаланишга нисбатан мустаҳкамлиги, г/см ²	-	0,44	0,43	0,43	0,42	0,41
- 5 % ли Na_2SO_4 эритмасига нисбатан	62,0	78,0	83,0	88,0	95,0	96,0
- 3 % ли NaCl эритмасига нисбатан	61,0	76,0	82,0	86,0	95,0	96,0

Шиша кукуни миқдорининг 25 %га ортиши 950 °С ва юқори ҳароратларда 6-намунанинг ташқи шакли деформацияланишига олиб келди. Бу ҳолат масса таркибидаги суюқ фаза миқдорининг ортиши ҳисобига содир бўлади. Физик-кимёвий таҳлиллар асосида 5-таркибни энг мақбул таркиб деб топилди ва массани куйдириш ҳарорати 950 °С этиб белгиланди.


Керамик йўлак тоши ўзининг юқори механик мустаҳкамликка эгаллиги (камида М350), намликни кам ютиши (сув ютувчанлиги 3,0 % атрофида), юқори совуққа чидамлилиги (200 циклгача), ишқаланишга чидамлилиги, турли рангларда ишлаб чиқариш имкониятининг мавжудлиги, экологик тозаллиги, хизмат муддатларининг узоклиги кенг кўламда ишлатилиши билан фарқ қилади.

Диссертациянинг «Керамик йўлак тоши ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш, уни эксплуатация хусусиятлари ва саноат-тажриба тадбиқи» деб номланган тўртинчи бобида маҳаллий лёссимон жинслардан фойдаланиб юқори сифатли керамик йўлак тошлари олишнинг

такомиллашган технологик тизими ишлаб чиқилди. Унга биноан хом ашёларга қуйидагича ишлов берилади.

Керамика технологияси бўйича керамик йўлак тошлар олишнинг принципиал технологик тизими қуйидаги 7-расмда келтирилган.

Ишлаб чиқилган технологик схемага кўра лёссимон жинслар корхона ҳудудига автотранспортлар ёрдамида ташиб келтирилади ва сақлаш қатлавларида (1) сақланади. У ердан масса электрик тельфер юклагич (2) орқали бункерга (3) юкланади. Бункернинг остки қисмида тарелкали таъминлагич (4) жойлашган бўлиб, у бир меъёрда массани болғали майдалагичли қуритиш мосламаси - аэробилли майдалагичли қуритгич (5)га юклаб беради. Аэробилли қуритгичда масса бир вақтнинг ўзида ўлчамлари 0,2-0,5 мм гача майдаланади ва қолдик намлиги 1 % га қадар қилиб 200 - 250 °С ҳароратда қуритилади. Қуритилган масса ҳаво оқимида тешик ўлчами 0,5 мм бўлган барабанли сито-буратлар (6)га етказилади.



7-расм. Керамик йўлак тош ишлаб чиқаришнинг таклиф қилинаётган технологик схемаси

1-лёссимон жинс сақлаш катлавлари; 2-электрик тельфер юклагич; 3-бункер; 4-тарелкали таъминлагич; 5-аэробилли майдалагич-қуритгич; 6-барабанли сито-бурат; 7-бункерлар; 8-ўлчов дозаторлар; 9-шарли тегирмон; 10-йирик фракция учун бункер; 11-шиша чиқиндиси сақлаш отсеки; 12-болғали майдалагич; 13-конвейерлар; 14-пневматик узатиш мосламаси; 15-циклон; 16-кўмир сақлаш отсеки; 17-жағли майдалагич; 18-сито; 19-бункер дозатор; 20-шнекли аралаштиргич; 21-тирсак валли пресс; 22-тамғалаш қурилмаси; 23-вагонетка; 24-камерали хумдон; 25-маҳсулотни саралаш; 26-тайёр маҳсулот.

Барабанли сито-буратлар бункер (7) устига жойлашган, унинг вазифаси массани саралаш бўлиб, у ердан ўтган масса бункерларда сақланади. Ўтмаган қисми эса сарф идишларига тушурилади ва аравачалар ёрдамида даврий равишда олиб турилади (схемада келтирилмади). Бункернинг остки қисмида

ўлчов дозаторлари (8) жойлашган бўлиб, у ерда масса белгиланган рецептурага асосан ўлчаниб шарли тегирмон (9)га юкланади. Барабанли сито-буратлардан ўтмаган масса йирик фракциялар учун мўлжалланган (10) бункерларга узатилади. Шарли тегирмонга иккинчи томондан шиша чиқиндиси юкланади. Бунинг учун у даставвал қўл кучи ёрдамида болғали майдалагич (12)га юкланади ва ўлчамлари 0,3 – 0,6 мм гача қилиб майдаланади. Майдаланган масса бункер (7)да сақланади ва лентали таъминлагич (13) орқали тешик ўлчами 0,5 мм бўлган барабанли сито-бурат (6)га етказилади. Ўтмаган қисми эса йирик фракциялар учун мўлжалланган (10) бункерларга тушурилади ва аравачалар ёрдамида даврий равишда олиб турилади (схемада келтирилмади). Сараланган масса бункер (7)да сақланади ва ўлчов дозатори (8) орқали белгиланган рецептурага асосан ўлчаниб шарли тегирмон (9)га юкланади. Шарли тегирмонда масса 2 соат давомида майдаланади ва ундан кейин пневматик узатиш мосламаси (14) ёрдамида бункер (7)га юкланади ва конвейер (13) орқали масса тайёрлаш бўлимига узатилади. Бункерга узатишда ҳосил бўлган чанг циклон (15) ёрдамида ушлаб қолиниб масса тайёрлаш бўлимига берилади. Масса тайёрлаш жараёнида хом ашёлар омихтасига кўмир қўшиш ҳам назарда тутилган бўлиб, бунинг учун унга қуйидаги тартибда ишлов берилади. Кўмир сақлаш бўлими (16)дан масса қўл кучи ёрдамида жағли майдалагич (17)га юкланади ва ўлчамлари 0,5 мм гача қилиб майдаланади. Майдаланган масса тешик ўлчамлари 0,5 мм бўлган сито (18)га юкланади ва сараланиб лентали таъминлагич (19) билан жиҳозланган бункер (7)га юкланади ва масса тайёрлаш бўлимига берилади. Масса тайёрлаш бўлимида масса омихтаси шнекли аралаштиргич (20)да аралаштирилади ва лентали таъминлагич (19) билан жиҳозланган бункер (7)га юкланади. Кейинчалик масса қолиплаш учун тирсак валли пресс (21)га порция қилиб таъминлаб берилади. Пресслаш босими 20,0 МПа бўлиб прессланган ярим маҳсулотлар тамғалаш столи (22)га ўтказилади ва тамғалангандан кейин вагонеткалар (23)га тахланади. Вагонеткаларга тахланган ярим маҳсулот пишириш учун камерали хумдон (24)га киритилади. Пишириш вақти 20 соат максимал ҳарорат 950 °С. Унга кўра, керамик йўлак тошини максимал ҳароратгача қиздириш 5 °С/мин тезликда 3 соат давом қилади. Керамик масса кейинчалик 950 °С ҳароратда 3 соат давомида ушлаб турилади. Бу ҳароратда масса таркибида суюқ фаза миқдори кескин ортади. Кейинчалик масса қисқа совутиш даврига ўтказилади, бунда совутиш тезлиги 1,6 °С/мин. Кейинги босқичда намуналар 850 °С ҳароратда тоблаш жараёнига ўтказилади. Жараённи давомийлиги 4 соат. Бундай шароитда олинган массани секин совутиш талаб қилинади. Совутиш жараёнини 2 та босқичда олиб бориш тавсия қилинади. 1-босқич SiO₂ нинг полиморф ўзгаришини эътиборга олган ҳолда 500 °С гача 5 соат давомида совутиш тезлиги 1,16 °С/мин.да амалга оширилади. 2-босқич 500 °С дан 100 °С гача совутиш тезлиги 1,66 °С/мин тезликда 4 соат давомида амалга оширилади. Қуйдирилган маҳсулот саралаш (25) жараёнидан ўтказилади ва тайёр бўлган маҳсулот (26) сақлаш омборига жўнатилади.

ХУЛОСА

1. Замонавий физик-кимёвий таҳлиллардан фойдаланиб Қурбонов кони лёссимон жинсларининг кимёвий-минералогик таркиблари, физик-кимёвий хоссалари ўрганилди ва ушбу хомашё керамик қурилиш материаллари олишда истиқболли хомашё ресурси сифатида тавсия этилди.

2. Лёссимон жинс ва шиша кукунидан иборат 80:20 керамик массанинг мақбул таркиби яратилиб, 90-120 дақиқа давомида механик фаоллаштириш жараёнининг таъсири ўрганилди ва юқори физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган - зичлиги 2150 кг/м^3 , сиқилишга механик мустаҳкамлик кўрсаткичи 40 МПа, сув ютувчанлиги 3,0 %, ишқаланишга нисбатан мустаҳкамлик кўрсаткичи $0,42 \text{ г/см}^2$, кимёвий бардошлилиги 95 % га тенг бўлган керамик йўлак тошнинг технологик параметрлари аниқланди.

3. Масса таркибига 5 % гача кўмир кукунини қўшиш ҳисобига пишиш жараёнида оксидловчи-қайтарувчи муҳит таъсири ўрганилиб, натижада, масса таркибидаги қийин эрувчан компонентлар нисбатан $50 \text{ }^\circ\text{C}$ паст ҳароратларда мустаҳкам алюмосиликатларнинг ҳосил бўлиш реакциялари тадқиқ қилинди.

4. Хоразм вилояти Қурбонов кони лёссимон жинслари асосида илк бор паст пишиш ҳароратида $950 \text{ }^\circ\text{C}$ да, шўрланиш таъсирига чидамли керамик йўлак тоши олинди.

5. Керамик массани ярим қуруқ усулда пресшлашнинг мақбул параметри сифатида 20 МПа босимда пресшлаш ижобий натижа бериши қайд қилинди. Керамик масса омиктасига иссиқлик ёрдамида ишлов беришнинг мақбул мароми ишлаб чиқилди; ишланма саноат миқёсида синовдан ўтказилиб маҳсулот олишнинг барча параметрлари корхона миқёсига мослиги, олинган маҳсулотлар эса физик-механик кўрсаткичлари бўйича давлат андозалари талабларига мос келиши аниқланди.

6. Керамик йўлак тошини пишириш мароми ва ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологик тасвири ва технологик регламенти ишлаб чиқилди. Ишланманинг илмий янгилигига оид давлат патентига талабнома берилиб ижобий қарор олинди. Тадқиқот натижалари “Дилшодғиштқурилиш” МЧЖ ва “Жайхун” хусусий корхонасида синовдан ўтказилди. Саноат миқёсида ишлаб чиқариладиган 1 м^2 йўлак тошини сотишдан кутиладиган фойда 11477,76 сўмни ташкил қилиши ҳисобланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc03/30.12.2019.Т.04.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ДЖУМАНИЯЗОВ ЗОКИР БАЗАРБАЕВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ МЕХАНИЧЕСКИ ПРОЧНОЙ,
ХИМИЧЕСКИ УСТОЙЧИВОЙ КЕРАМИЧЕСКОЙ БРУСЧАТКИ
НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

02.00.15 - Технология силикатных и тугоплавких неметаллических материалов

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/T435

Диссертация выполнена в Ургенчском Государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.tkti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz

Научный руководитель:

Бабаев Забибулла Камилевич
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Бабаханова Зебо Абдуллаевна
доктор технических наук (DSc)

Шерназарова Махфуза Тургунбаевна
кандидат технических наук

Ведущая организация:

Ташкентский архитектурно-строительный институт

Защита диссертации состоится «10» 08 2021 г. в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 111, с которой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (100011, г. Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.)

Автореферат диссертации разослан «10» 07 2021 года.
(протокол рассылки № 25 от 10.07. 2021 года).



С.М. Турабджанов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Х.И. Кадиров
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н. (DSc)

М.Х. Арипова
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в сфере строительства из года в год растёт объём использования керамических брусчаток для улучшения устойчивости к воздействиям внешней среды и декоративных свойств дорожных покрытий современных зданий и сооружений. Наряду с этим, имеет важное значение получение керамических брусчаток на основе композиций, состоящих из минерального и техногенного сырья, предотвращающих преждевременный износ под воздействием солёной среды в регионах с повышенной засоленностью.

Во всём мире ведутся интенсивные научные исследования по развитию производства керамических брусчаток и других смежных строительных материалов для регионов с повышенной влажностью и засоленностью. В исследованиях особое внимание уделяется совершенствованию процесса обжига керамической массы, введению в композиционный состав модифицирующих добавок, разработке технологий получения новых материалов с кристаллическими структурами и формированию их свойств.

В результате проводимых комплексных мер в Республике Узбекистан достигнуты значительные результаты по модернизации промышленных предприятий, выпуску химической продукции и строительных материалов, расширению ассортимента новых видов конкурентоспособных современных строительных материалов, созданию местных запасов сырья, разработке на их основе составов и технологий производства импортозамещающих, химически стойких керамических строительных материалов с высокой механической прочностью. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены важные задачи по «... подъёму промышленности на новый уровень качества, глубокой переработке местных сырьевых ресурсов, ускорению выпуска готовой продукции, освоению новых технологий...»¹. В связи с этим, проведение научных исследований по разработке состава и технологии производства химически стойких керамических брусчаток с высокой механической прочностью и низким значением показателя водопоглощения, используя лёссовые породы Курбановского месторождения и порошка стеклобоя является актуальным.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнением задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан за № ПП-3182 от 8 августа 2017 года «О первоочередных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов», за № ПП-2731 от 18 января 2017 года «О Государственной программе по развитию региона Приаралья на 2017-2021 годы», за № ПП-4335 от 23 мая 2019 года «О дополнительных мерах по

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы»

ускоренному развитию промышленности строительных материалов» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

